

Ўзбекистон – Хитой қураётган янги ипак йўлидаги яширин жавоҳир

Ўзбекистон жаҳоннинг энг диққатга молик инвестицион ҳудудларидан бирига айланиш имкониятига эга. Янги Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни социализмдан капитализмга ўтказиш ҳаракатлари 50 миллиард доллар ЯИМ қийматидаги иқтисодий инвестициялар назарига тушириши кутиляпти.

Ishonch

2019 йил 19 сентябрь • пайшанба • № 114 (4243)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Навоий вилояти

Конимехда экотуризм маркази

Конимех туманида «Конимех – Қизилқум шубат» маъсулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган экотуризм маркази иш бошлади.



Тадбиркор Азамат Элмуродов ташаббуси билан 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган мазкур экотуризм маркази бир вақтнинг ўзида 3 мингдан ортиқ мижозга хизмат кўрсатиш имконига эга.

– Туризм марказимизда ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ миллий таомлари тайёрланади, – дейди тадбиркор Азамат Элмуродов. – Шунингдек, бу ерда ўзига хос оролча бўлиб, маҳаллий ва хорижлик туристлар ўзлари истаган ба-

лиқни тутиб, пишириб, истеъмол қилиши мумкин. Муסיқали фаввора, болалар аттракционлари, ўндан ортиқ ўтовлар, шифобахш туя сути, спорт майдончаси, маданий ҳордиқ учун амфитеатр, хуллас, бу каби замонавий кулай имкониятлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Бу ерда 20 дан ортиқ маҳаллий ёшнинг бандлиги таъминланди.

Нуриддин РАХИМОВ,
ЎЗА муҳбири



Бунёдкорлик



КУН НАФАССИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Чили Республикаси Президенти Себастьян Пиньера Эченикени Мустақиллик куни билан табриклади.

president.uz

«Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Huquqiy axborot» telegram канали

Сенатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоевнинг БМТ бош қотибининг ўринбосари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича махсус вакили Жан Тодт билан учрашуви бўлиб ўтди.

senat.uz

Олимхон Рустамов иқтисодий ва саноат вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

minesconomy.uz

Баҳром Ашрафханов Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи

директори лавозимига тайинланди.

kun.uz

Абдумухтор Эргашев молия вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Молия вазирлиги Ахборот хизмати

Аҳадбек Ҳайдаров молия вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Молия вазирлиги Ахборот хизмати

ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи генерал-майор Қутбиддин Бурханов бошқа тизимда раҳбарлик лавозимига тайинланди. У Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директори вазифасини бажаради.


kun.uz

«Human xususiy bandlik agentligi» МЧЖга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга йўлланган шахсларни ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензиянинг амал қилиши вақтинчалик тўхтатилади.

mehnat.uz

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

facebook



Шукур Жаббор

«АНҚОВ» «АНҚО»ГА АЙЛАНСА...

Жуда кўп ёш журналист, филолог кадрлар савдосиз! Айниқса, ТВ ва радиода ишлайдиган баъзи ходимлар матн ёзганда эга ва кесимини жойига қўйиб, жумла тузолмайди.

Яқинда бир кишининг китобини бир йигитга берсам – фирт тескари тахрир қилиб чиқибди. «Анқо»ни «анқов», «тариф»ни «таъриф», «компания»ни «компания» қилиб, гапнинг маъносини бузиб юборган! Буларга пароним сўзларни ўқитишадими ё йўқми?! Шунинг учун қолганлар ўргансин деб, энг зарур сўзларни изоҳлайман:

1. **Анқо** – афсонавий қуш (Семурғ, Хумо, Самандар, Қақнус каби). «Анқов» эса бошқа нарса, гўл одам, лақма, овсар деган маънони беради.
2. **Абзал** – отни миниб ва жилвалангандаги жиҳозлар. «Афзал» бошқа нарса, тузукроғи, яхши деган маънони беради.
3. **Тарих** – ўтмишдаги воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги ижтимоий фан. «Таърих» эса классик адабиётда абжад ҳисобида муҳим санани ҳарфлар билан ифодалашдир.
4. **Азим** – жуда катта, улкан, йирик, буюк. «Азим» эса қатъий қарор, жазм деганидир.
5. **Алпоз** – вазият, ҳолат, аҳвол, шароит маъносини беради. **Алфоз** – лафз билан боғлиқ сўз. Яъни «шу алфозда гапирди!» Эки «шу алфозда ўқиди» деса бўлади.
6. **Арпа** – бугдойсимон ўсимлик. «Арпа» эса муслиқ чолғу асбоби.
7. **Охир** – сўнг, тамом, тугалланиш маъносини беради. «Охир» эса ҳайвонлар хашак ва ем ейдиган мослама.

Манба: www.facebook.com/shukurjabbor



Брифинг

Мажбурий меҳнатга қарши миллий мониторинг

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароитлар яратилишини назорат қилиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги юзасидан Миллий мониторинг ўтказиш мавсумида брифинг ташкил этилди.

Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиевнинг маълум қилишича, 25 сентябрдан 31 октябргача давом этади-

ган мазкур мониторинг Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси билан ҳамкорликда ўтказилади. Мониторингга тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар иттифоқи ва жойлардаги давлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари жалб этилади.

2

Зомин таассуротлари

Қалб яйради, қалам сайради



Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ,
«Жаҳон адабиёти»
журнали Бош муҳаррири

Харгал йўлим Зомин томонларга тушганида тузилган қишлоғимни соғиниб, юрагим этикади. Бу ернинг баҳмалдай пўрим арчазорлари Чотқол тизмаларига кирувчи Бўзпўли ва Ўнғорни, Томчи ва Бешқўлни, болалигим ўтган Сафед Булонни ёдимга солади. Тоғлар ҳамма жойда ҳам пурвиқор, салобатли, аммо ҳар жойнинг тоғ-у тошда ўзгача хусн-тароват, ризқ-насиба, оҳанрабо бор. Икки тоғнинг орасидан ўтувчи тор йўлни Қапчиғай дейишади. Чехиянинг Карлов Варисига, Фарғонанинг Чимёнига, Тошкент вилоятининг

Бурчмулласига шундай йўллардан борилади. Қишлоғимизни сув билан таъминловчи Саночсой, Початасой бир-бирига елкадош бўлиб турган тоғ ва тепалиқлар орасидан ошқиб оқади. Оқ саллали чўққилар томон кўтарилар экансиз, Зоминда ҳам, Саночсойда ҳам уйнаб-бурилиб паства шошаётган сершовқин сой суви, мусаффо ҳаво, минг дардга даво ноёб гиёҳлар, юқорироқда – арчазор-у қарағайзорлар, қушларнинг чуғур-чуғури, роҳатбахш хониши сизга ҳамроҳ бўлади.

4

Эркин валюта савдоси иқтисодиётга нима беради?



Карим БАХРИЕВ,
журналист

Хабарингиз бор, Марказий банк расмий баёнотида кўра, 2019 йил 20 август санасидан бошлаб тижорат банклари АҚШ доллари сотишни йўлга қўйди. 21 августдан Ўзбекистон банклари хорижий валютани нақд пулда сотишни бошлади. Маълум бўлишича, биринчи кун

Таҳлил

ичида аҳоли 15 миллион АҚШ долларидан зиёд валюта харид қилган бўлиб, шундан 9,6 миллион доллар нақд кўринишда амалга оширилган. Шунингдек, банклар аҳолидан 20 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий валюта харид қилган.

Аввало, айтиш лозимки, Президентимизнинг қарори ижроси асносида қўйилган бу қадам ҳаққоний бозор иқтисодига етаклайдиган зарур қадамдир. Бунга қадар хорижий валютани фақат қарталарга сотиб олиш мумкин эди.

3

Мушоҳада

Биз қачон ўзгарамиз?



Мухаммад ИСМОИЛОВ,
Гулистон шаҳридаги
Халима Худойбердиева
номли ижод мактаби директори

Абдулхамид Чўлпон бундан юз йиллар бурун шундай ёзган эди: *Мактаба йўқ бир тийин, тўйга минг сўмлаб берур, Чорасиз мушкул касалга мубталадур бизнинг халқ.* Қаранг, юз йиллар олдинги муаммо бугун ҳам долзарбли-

гича турибди. Моҳиятан шундай, шакл ўзгарган холос. Бугун ҳам одамлар миллионлаб маблағга машинасига «чиройли» рақам олади-ю, аммо ўн минг сўмга боласига китоб олиб бермайди. Бир йилда миллионлаб доллар маблағни тўй-ҳашамга сарфлайди-ю, аммо бир йилда 10 минг сўмлик китоб сотиб олмайди. Қарангки, Олмония аҳолисининг 95 фоизи уйда шахсий кутубхонага эга бўлгани ҳолда, бизда бу ҳақда энди-энди бош қотирилмоқда. Ҳолбуки, Цицерон таъбирича, китобсиз уй – қалбсиз танадир.

3



Қашқадарё вилояти

Муносиб эътироф

Қарши шаҳридаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказида Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Қашқадарё вилояти Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг жорий йил ёз мавсуми якунларига оид анжумани бўлиб ўтди.



Сарҳисоб

Унда вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов сўзга чиқди. Таъкидландики, қайта реконструкция қилинган «Зиё чашмалари» оромгоҳида болажонлар замон талабларига мос шароитларда соғломлаштирилди. Китоб туманидаги «Нурафшон» оромгоҳида 150 ўринли ётоқхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Учта оромгоҳда мавсум 5 навабатда ташкил этилди. Натижада вилоят бўйича 28 мингдан зиёд ўғил-қиз дам олдирилди.

Анжуманда 15 та йўналиш бўйича энг намуналилар (оромгоҳлар, ташкилотчилар ва оромгоҳ ходимлари) аниқланди ва Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жумладан, Шаҳрисабз туманидаги «Лочин», Бегуний ва Мирзо Улугбек оромгоҳлари энг намунали оромгоҳ, Шаҳрисабз тумани ҳокими Исроил Амонов «Энг жонкуяр ҳоким» дея эътироф этилди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ, «Ўз-бурғунетгаз» АЖ, «Шўртангазим» мажмуаси МЧЖ касабани уюшма кўмиталари «Мавсумни энг яхши ташкил этган касабани уюшма ташкилоти» номинацияси ғолиби бўлиди.

Якқабоб туманидаги Мирзо Улугбек, «Истиклол ғунчалари», «Шўртан қалдирғочи» оромгоҳлари «Мав-

сумда энг юқори натижага эришган оромгоҳ» йўналишида сардорлик қилган бўлса, вилоят халқ таълими бошқармаси, маданият бошқармаси, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси «Энг масъулиятли ташкилотчи» сифатида муносиб тақдирланди.

Бундан ташқари, «Энг яхши пазанда», «Энг моҳир тўғарак раҳбари», «Энг фаол етакчи», «Энг фаол ички ишлар идоралари ходими», «Энг ғамхўр тарбиячи», «Энг яхши тиббиёт ходими», «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи», «Энг ғамхўр ҳомий», «Энг яхши ҳамкор» номинациялари бўйича соҳа фидоийлари аниқланди.

– Жорий йилда «Ниҳол» болалар оромгоҳида 1600 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқарди, – дейди «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ касабани уюшма кўмитаси раиси Шароф Раҳматов. – Шундан 50 нафари Қамашдаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларидир. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ раҳбарияти мавсум давомида барча зарур шароитларни яратиб берди. Бугун қорхона раҳбари Шермат Шамсиевнинг «Энг ғамхўр ҳомий» деб топилгани ҳам амалга оширилган ишларга берилган муносиб баҳоидир.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Бухоро вилояти

Жорий йил Бухоро вилоятидаги ўн бешта оромгоҳда 7618 нафар ўғил-қиз дам олди. Бу – бугунгига нисбатан нақ минг кишига кўп демек. Қолаверса, бухоролик тўрт юз нафар бола Шаҳрисабз туманидаги «Лочин», Тошкент вилоятидаги «Хўмо» оромгоҳларида соғломлаштирилди. Улар орасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногирон болалар ва эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари ҳам бор. Беш мавсумни қамраб олган кўламдор жараёнга кўна воҳадаги барча мутасаддилар салмоқли ҳисса қўшди.

Ташкилотчилар рағбатлантирилди

Вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкилотчиларни эътироф этиш ва тақдирлашга бағишланган анжуманда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчилари – оромгоҳларнинг бошлиқлари, етакчилар ва тарбиячилар, тўғарак раҳбарлари, спорт мураббийлари, туман ҳокимликлари, касабани уюшмалари, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўлими ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда бирлашма кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов ёшлар камолотида ўта муҳим бўлган ушбу жараён ҳақида атрафлиқ тўхталиб, Шундан сўнг вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳи тавсияси асосида «Энг намунали болалар оромгоҳи», «Болаларни дам олдириш ва соғлом-

лаштириш мавсуми ташкилотчилари ҳамда болалар оромгоҳлари ходимлари, ҳомийлар, ташкилотчиларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Хусусан, «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи», «Энг ғамхўр тарбиячи», «Энг жонкуяр ҳоким», «Энг яхши ҳамкор», «Энг яхши спорт мураббийи», «Энг яхши тиббиёт ходими», «Энг масъулиятли ташкилотчи», «Энг моҳир тўғарак раҳбари», «Энг фаол етакчи», «Энг яхши пазанда», «Энг намунали стационар оромгоҳ» сингари номинациялар ғолиблирига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Адолат АКРАМОВА, Бухоро вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Мажбурий меҳнатга қарши миллий мониторинг

Шунингдек, Миллий мониторинг АҚШ, Европа давлатлари ва бир қатор халқаро касабани уюшма марказлари вакиллари қатнашади.

ГУРУҲЛАР ВАЗИФАСИ

Пахта-ийғим терими мавсумида теримчилар учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш, 18 ёшга тўлмаган шахслар, ўқувчи ва талабалар, шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланилмаганини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга ошириб, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чораларини кўради.

Ўрганиш жараёнида пахта теритан вояга етмаган шахслар аниқланса, улар зудлик билан ўқиш жойи ёки уйига қайтарилади ва бу ҳақда далолатнома тузилиб, меҳнат инспекциясига юборилади. Мажбурий меҳнат ҳолати аниқланган тақдирда эса меҳнат инспекцияси чақирилиб, далолатнома тузилади ва ҳудудий «Қайта алоқа механизми» вакиллари хабар берилади.

Мониторинг гуруҳлари раҳбарлари Касабани уюшмалари Федерацияси томонидан интернет тармоғига уланган планшетлар билан таъминланади. Жараён доимий равишда алоқа ҳамда GPS функцияси ёрдамида кузатиб борилади.

ЗАРУРАТ ТЎҒИЛГАНДА КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Юридик клиникаси негизидан ташкил топган Қайта алоқа механизми доирасида 10-92 қисқа рақами ёки «@kasaba_bot» орқали меҳнат муносабатлари ва мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳар қандай масалада муурожаат қилиниши мумкин.

НАТИЖАЛАРДАН ҚАЧОН ХАБАР ТОПАМИЗ?

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги ва «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан келишилган «Мониторинг услубиёти» талабларига мувофиқ, Миллий мониторинг даврида ўрганишлар натижаси ошқор қилинмайди. Мониторинг якунлари декабрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти билан биргаликда ўтказилган давра суҳбатида батафсил маълум қилинади.

Аъзамжон АБУЛҒАЙЗОВ, «ISHONCH»

Бор бўл, оқибат!

Касабани уюшмалари Федерацияси юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишларга камарбаста ташкилотлар қаторида инсонларга меҳр-муруват кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш йўлида ибрат олгулик ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Қалбларга умид бағишлаб

Хусусан, турли соҳаларда сўқидилган меҳнат қилаётган, ижтимоий кўмакка муҳтож ходимларнинг 87 нафарига «Умид гулшани» ҳамда «Бўстон» санаторийларида саломатликларини тиклаш учун бепул йўланмалар ажратилди.

«Умид гулшани» санаторийсида дам олувчиларга нафақат саломатликларини тиклаш, балки ўзидан зурриёд қолдириш, фарзанд кўриш бахти ҳам улашади. Шифокорлар эзгу умидларни дилига тугиб келганларга замонавий ускуналар воситасида ташхис қўйиш, малакали хазмат кўрсатиш билан биргаликда руҳий мадад ҳам кўрсатадилар. Даволаниб кетганларнинг маълум вақт ўтгандан сўнг оиласида фарзанд дунёга келгани ҳақидаги хушxabар улар учун ҳам катта муқофот эканини ушбу маскан мутасаддилари ҳаммиша алоҳида фахр-ифтихор билан таъкидлашади.

Бепул йўланма асосида келган фуқароларнинг дам олишини мазмунли ташкил этишга катта аҳамият қаратилди. Уларнинг Тошкент шаҳрида мустақиллик йилларида барпо этилган мажмуаларга, Занги ота зиёратгоҳига ташрифи уюштирилди. Ўзбек миллий академик драма театрида спектакль томоша қилишди. 12 кунлик дам олиш мазмунли ўтиши учун барча шароитлар яратилди.

– 20 йиллик меҳнатим давомида бундай эъзоини кўрмаган эдим, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани Тик-озек овулидаги қишлоқ оилавий поликлиникаси фарроши Жумагул Еримбетова. – Юртимизда шундай гўзал масканлар борлиги, бу масканларда олижаноб, меҳрибон инсонлар фаолият кўрсатаётгани кўнглимни тоғдек кўтарди.

Ҳар иккала санаторийда бепул йўланма асосида дам олаётган ходимлар учун икки қисмдан иборат байрам тадбирлари ташкил этилди. Санатор-курортлар бошқармасининг маданий-маърифий ишлари бўйича бош мутахассиси Махмуд Мураезова мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Санъаткорлар томонидан тақдим этилган куй-қўшиқлар тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»



Фарғона вилояти

Ходим ҳимояси — ютуқлар дояси

Тошлоқ туманидаги «Daewoo Textile» масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда 3264 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 2105 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. 30 ёшгача бўлган ёш ходимларнинг сони эса 1269 нафар.

Таъкидлаш жоизки, пахта толасидан ип-калага ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона маҳсулотининг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади. Корхонада ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратилгани учун ҳам иш сифати ва кўлами ошиб бормоқда. Ишчиларга махсус кийим-бош, сут ва сўтга тенглаштирилган маҳсулотлар, дори-дармонлар олиш ҳамда тиббий кўрик учун қарийб 400 миллион сўм сарфланди. Корхонада ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга моддий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона касабани уюшма кўмитаси ҳисобидан 251 нафар ходимга салкам 20 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-ходимларнинг 865 нафар фарзандига ўқув куруллари жамланмасини харид қилиш учун 41 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилди. Корхона касабани уюшма кўмитаси фаолиятига яқиндан ёрдам берган ходимларга муқофот пуллари берилди.

Буллардан ташқари, корхонанинг бир гуруҳ ишчи-ходимлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм шаҳарларига саёҳатга юборилди. Ходимларнинг фарзандларини ёзги оромгоҳларда дам олиши учун 175 та иттиёзли йўланма олиб берилди.

Корхонада меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий амал қилинади. Шу боис бу корхонада бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари



кузатилмаган. Амалга оширилаётган ишлар, саъй-ҳаракатлар эътибордан четда қолмайди, албатта.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг республика босқичида «Энг яхши ташкилот» номинациясида корхона ғолибликни қўлга киритди. Бу ютуқ ўз-ўзидан келгани ва берилгани йўқ.

– Корхонамиз бош директори Чо Синг

Хён танлов ғолиби бўлганимиздан жуда хурсанд. Бу ҳақда Жанубий Кореядаги дўстларим ва ҳамкорларим ҳам хабардор қилди, – дейди корхона касабани уюшма кўмитаси раиси Гулнора Юсупова. – Корхонамиз ишчи-ходимлари эътибордан беҳад мумнун. Биз бундан буён ҳам ишлаб чиқариш ва меҳнат муҳофазасида юқори натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Бегали САЙДАЛИЕВ,

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

Меҳнат муҳофазаси



Навоий вилояти

Давра суҳбати

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш» қўлланмаси асосида жойларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Қўлланма фаолиятда қўл келади

Навоий вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Адлия бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, «Имконият» ННТ ҳамкорлигида Қармана, Навбахор, Қонимех, Қизилтепа, Хатирчи туманларида ҳамда Навоий шаҳрида ўтказилган давра суҳбатларида 550 дан ортқ корхона ва ташкилот раҳбарлари, ишчи-хизматчилари ҳамда бошланғич касабани уюшмаси раислари фаол қатнашди.

Давра суҳбатларида «Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш» қўлланмасининг мазмун-моҳияти кенг тушунирилди. Шунингдек, «Мажбурий меҳнатта йўл қўйилган ҳолларда қонунийликда белгиланган чоралар», «Меҳнат қонунийлигидаги ўзгаришлар ва Халқаро меҳнат стандартлари» ҳамда «Мажбурий меҳнатни бартараф этиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан олиб бориладиган ишлар» ҳусусида ҳам иштирокчиларга кенг тушунчалар берилмоқда.

Давра суҳбатлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом эттирилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Ноҳақ бўшатирилган 16 нафар ходим ишга қайта тикланди

Жорий йилнинг баҳорида Хоразм вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмасига Ҳазорасп туманидаги иқтисодиёт коллежининг 16 нафар ўқитувчиси имзолаган ариза келиб тушди. Унда билдирилишича, турли йиллардан буён коллежда ишлаб келаётган ушбу ходимлар иш берувчининг 2019 йил 2 мартдаги буйруғига кўра ишдан бўшатирилган. Буйруқда меҳнат шартномасини бекор қилишга Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-қисми асос сифатида келтирилган.

Мазкур ҳолатга алоқадор ҳужжатларнинг қонунийлиги ўрганилганда, Меҳнат кодекси ва амалдаги меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилгани аниқланди. Жумладан, буйруқ Меҳнат кодекси 100-моддаси 4-қисми билан нотўғри расмийлаштирилган ҳамда 100-модда талаблари қўпол равишда бузилган. Меҳнат кодексининг 101-мод-

даси биринчи қисмида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касабани уюшма кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш шартлиги кўрсатилган. Коллеж маъмурияти ва касабани уюшма кўмитаси ўртасида имзолаган жамоа шартномасида ҳам бу шарт ўз ифодасини топган. Аммо коллеж раҳбарлари бу талабни унутганим, ҳар ҳолда

касабани уюшма кўмитасининг баённомаси номини расмийлаштирилган. Ушбу кодекснинг 102-моддасида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси ходим қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни бу ҳақда камида уч кун олдин хабардор қилиши ёки унга мутаносиб компенсация тўлаши лозимлиги кўрсатилган. Ҳолбуки, мазкур ҳолатда юқоридики талаб четлаб ўтилган.

Аниқланган қонунбузарликлар ва ҳужжатларга таянган ҳолда Меҳнат кодексининг 9-моддаси ва «Касабани уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига асосланиб, вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси коллеж директори номига

тақдимнома киритди. Натижада ходимлар ишга қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда бирлашмага коллеж ўқитувчилари ва раҳбарларидан кўплаб муурожаатлар тушмоқда. Ушбу тизим фаолиятидаги ўзгаришлар, айрим коллежларнинг тугатилиши жараёнида ходимлар билан меҳнат шартномаларини бекор қилишда қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Касабани уюшмалари ҳар бир муурожаатни атрафлиқ ўрганиб, қонуний ечим топишига кўмаклашмоқда.

Музаффар АТАБОЕВ,

Хоразм вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири

Адолат қарор топди

41 Бундан сал олдин доллар курси кескин ошган ва 9 август кун Марказий банк Ўзбекистонда доллар нега кескин кўтарилганига изоҳ берган эди. Унга кўра, курс ошишига ташқи ва ички омиллар сабаб бўлган: 2019 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари бўлган баъзи мамлакатларда (Россия, Қозоғистон ва Хитой) миллий валюталарнинг қадрсизланиши бошланган, бу эса ички валюта бозоримиз иштирокчиларининг алмашув курси бўйича қўтималар ва қарорлар қабул қилиш жараёнига маълум даражада таъсир кўрсатган. Шунингдек, юртимиздаги асосан импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий валютага бўлган талабининг ўсиб бориши кузатишган. Бу аснода Россия, Хитой, Ҳиндистон олтин сотиб олишга киришган.



Эркин валюта савдоси иқтисодиётга нима беради?

банк соҳасидаги рақобат кучайиши лозим.

АЛАЛ-ОҚИБАТ...

Нақд валютанинг эркин сотилиши, табиийки, унинг айланмасини сезиларли қисқартиради. «Қора бозор»нинг кейинги сақланишига пул алмаштириш пунктларининг ривожланмагани, улар ишлаш вақтинчи қеклангани, мамлакатимизда контрабанда ва «яширин» импорт сақланиб қолиши, айрим маҳсулотларни олиб киришга давлат божлари баланд қолаётгани ва импорт йўлига қўйилган бошқа протекционистик тўсиқларга боғлиқдир.

Валюта эркинлашуви алмаштириш курсининг тебранишларига сабаб бўлади, албатта. Сўм бир қадар қадрсизланиши мумкин. Бу жараёндан мамлакатдан маҳсулот чиқариб, сотувчилар ютади, четдан маҳсулот олиб кирувчилар, валютада кредит олганлар бироз ютқазади. Нархлар бир қадар ошади. Шу билан бирга истиқболда ишлаб чиқариш ўсади ва аҳоли бандлиги таъминланади.

Энди инфляциянинг асосий сабабларидан бўлган пул эмиссияси ва «имтиёзли кредитлаш» тизимини ислоҳ қилиш керак. Бугун пул эмиссиясининг асосий манбаси – имтиёзли кредитлар бериш бўлиб қолмоқда. Банк секторининг 80 фоиздан ортиқ активлари ҳукумат ва турли давлат идораларига тегишли бўлган бир шароитда, кредит эмиссияси назорат қилинмайди, банк сектори, гоҳо хусусий



банклар ҳам имтиёзли кредит беришга қатъий даъват қилинади. Имтиёзли кредит берган банклар зарар кўради.

Масала кўндаланг қўйилиши керак: банклар бозор шароитида ишлаши керак, давлат кредит секторига маъмурий тарзда аралашмаслиги керак. Акс ҳолда, ҳеч қачон бозорда нархлар барқарор бўлмайди ва валюта алмаштириш курси сакрашда давом этаверади.

Ҳалол ва ҳаққоний бозор иқтисоди ҳақи-қурмати имтиёزلардан кечиб қерак. Монополистар тинимсиз қўлга киритаётган имтиёزلардан ҳам, уларнинг чўнтагини қаппайтириш учун берилаётган имтиёзли кредитлардан ҳам, 40 фоиздан ошган кредит эмиссиясидан ҳам во кечиб даркор. Бу ҳолат инфляциянинг асосий манбаидир – у иқтисодиётдаги рақобатни сусайтирмоқда, яъни ишлаб чиқарувчиларни тенг бўлмаган шароитда дучор қилмоқда – айрим шахсларнинг бизнеси ривожланиб, бошқалариники «ўлиб» бормоқда. Бир тоифага имтиёзли кредит берган банк бошқа тижорат лойиҳаларига фоииз ставкасини оширишга мажбур.

Давлат ва ҳукумат ҳам, банк ва миқозлар ҳам чўнтагига яраша яшаши керак. Энг аввало, хусусий секторни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, энг муҳими, фуқароларнинг даромадларини ошириш керак. Президент Шавкат Мирзиёев айтгани каби: «Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши керак!»

кескин ошди. Бу ҳодиса – валюта соҳасини либераллаштириш мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириши ҳам рағбатлантирди. Масалан, мамлакатимиз юридик шахслари товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариши, хизмат сафари харажатлари каби тўловларни амалга ошириши учун хорижий валюталарни чекловсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлишди. Бир пайтнинг ўзида барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб ҳам бекор қилинди.

ДАРВОҚЕ...

Долларни сотиб олиб, аҳолига нақд валюта сотилмаслиги, Ўзбекистонда конвертация очилиши билан, хорижий валюта фақат конверсион карточкаларга ўтказиш орқали сотилиши, валюта ислоҳоти сари тўлиқ қадам қўйилмагани қатор салбий ҳолатларга сабаб бўлиб келаётган эди.

Гарчи расман Ўзбекистон ҳудудида долларда савдо қилинмаса-да, халқимиз йиллар мобайнида бўлгани каби савдо-сотимини долларда амалга оширишда давом этди. Уй-жойлар, автомашиналар савдоси долларда ҳисоб-китоб қилинар, бозорда ҳам бирор ашёга харидор бўлсангиз, сотувчи «фалон сўм» деб нархни айтиш ўрнига, қўлига калькулятор олиб, ашёнинг доллардаги нархини ўша кунги «қора бозор» нархига кўпайтириб, кейин айтаради.

Бозорда нега нарх ошганини айтсангиз, импорт молларни эмас, ҳатто, гуруч ё помидор сотувчиси ҳам то ҳануз доллар курси ошганини баҳона қилади.

Банк долларни фақат карточкага тушириб бериши, нақд долларни сотмаслиги «қора бозор»нинг янада кучайишига олиб келди.

ХАЛҚ ДОЛЛАРНИ НЕГА АФЗАЛ КЎРАДИ?

Аввало, реал инфляциянинг суръати бунга сабабдир, бу одамлар ортиртган бир-икки тангасини ҳам валютада сақлашга ундайди. Каттароқ харажатларга – иморат қуришга, машина олишга, ўқишга «кириштиш»га ва ҳоказоларга йиғадиган пулини халқ долларда сақлайди, чунки... шуниси қўлайроқ. Юқорида айтганимиздай, салмоқлироқ ҳамма нарса бозорда, долларга қақилиб, сотилади. Конверсион пластик картага тушган валютани фақат чет элда ишлаши мумкин. Бунинг устига валютани нақдга айлантириш чоғи фоииз йўқотилади, картадан устамга фоииз ололмаимиз, қолдиқ капитализацияси ҳам мавжуд эмас – яъни сининг пулингизни банк айлантириб, фойда кўради, холос.

Шу ўринда муҳим бир гап – ҳали-ҳануз кучда бўлган монополиячилар ўз бозорларида нархларни кўтаришга уриниши ҳам сўмни қадрсизлантиради. Сўний монополия юзга келган соҳа ва бозорларда рақобатни кучайтириш учун бу масалани ўйлаб кўриш керак. Бу инфляцияни тўхтайтиш туриш нуктаи назаридан ҳам, рақобатни ривожлантириш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир.

2017 йилдан то 2019 йилнинг август-сентябрга бозорнинг асосий иштирокчилари валюта сотиш ва харид қилиш бўйича эҳтиёжларини банклар орқали қаноатлантирди. Фақат аҳолининг нақд валютага бўлган талаби қаноат-

лантирилмаётганди. Нақд валюта керак бўлганда халқ фақат «қора бозор»га борарди. Албатта, қора бозор анча кичик ҳажм ва алмашув курсидаги минимал фарқ билан анча вақт яшаши мумкин. Уни батамом йўқотиш учун валюта алмаштириш пунктларини эҳтиёж бўлган, зарурат бўлган ҳар бир ерда очиш лозим. Бозор ва банк курслари фарқини минимумга етказиш учун аҳолининг ҳам нақд доллар харид қилиш имкониятини таъминлаш керак эди.

Шу маънода валютанинг аҳолига эркин сотила бошлангани инқилобий қадамдир.

ВАЛЮТАНИ БОЗОРГА КИМ ТАКЛИФ ЭТАДИ?

Энг аввало, мамлакатга маҳсулот киритувчиларга экспорт қилувчилар валютани сотади, чунки улар ишчиларга маошларни сўмда тўлаш, хомашё харид қилиш, электр энергияни тўлаш ва бошқа хизматлар учун, даромадидан Ўзбекистонда фойдаланиш учун валютани сотиши лозим. Валютанинг салмоқли қисми четда ишлаётган меҳнат мигрантларидан келади. Қолаверса, юртимизда заводлар қураётган, янги технологиялар киритаётган, қурувчи, бичувчи, тикувчи ва ҳоказо ходимларни ишлатаётган, ашё ва ускуналар сотиб оладиган чет эллик сармоядорлар долларини сўмга айлантиради. Чунки ҳозирча бизда ягона айланадиган валюта сўмдир.

ИСЛОҲОТЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР

Валюта мамлакатга маҳсулот киритувчиларга – импортчиларга керак. Четга дам олиш, саёҳат, ишлаш, ўқиш учун бормоқчи бўлган кишиларга зарур. Ўз жамғармаларини чет эл валютасида сақловчиларга лозим (чунки одамларимиз миллий валютага ҳали ҳам ишонқирамай турибди).

Ана шу талаб ва таклиф ҳам алмашув курсини шакллантиради.

Айримлар конвертация жорий этилгани туфайли иқтисодиётнинг долларлашуви кучаяди деган хавотирни билдиради. Бу нотўғри қарашдир. Иқтисодиётимиз айнан конвертация йўқлиги ва доимий валюта етишмовчилиги туфайли долларлашган эди. Каттароқ нарсалар харид қилиш каби кўплаб битимлар ҳамон долларда амалга оширилган. Кўплаб товарлар расман долларларда сотилган: авиачипталар, пахта, ип-газлама ва бошқалар. Долларлашувининг юқори даражаси айнан валюта тақчиллиги ва уни харид қилиш қийинчиликлари билан боғлиқдир.

2019 йил 20 августдан киритилган эркин конвертация бўйича навбатдаги қадам долларлашувининг кўплаб сабабларини бартараф этади.

Энди банк ислохотларига эҳтиёж жиддийлашди – банклар имкониятлари кенгайтиши керак,

Миллий пул бирлигининг эркин конвертация қилиниши ислохотларнинг тақдирини унинг қилувчи аҳолига эгадир. Конвертация, энг аввало, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, экспортни рағбатлантириш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун зарур. Хорижий сармоядорга қанчалек имтиёзлар берилмасин, нақадар жозибадор муҳит яратилмасин, миллий пул бирлик эркин конвертация қилинмаса, омишкор инвесторлар бундай юртга келмайди. Чунки, у киритган валютасини хоҳлаган пайтда ва хоҳлаган миқдорда конвертация қилиши, айниқса, ўзи ишлаб топган фойдани бошқа мамлакатга олиб чиқиш имкониятига (хуқуқига) эга бўлиши шарт.

Айнан конвертация бошланганидан сўнг хориждан жалб этилаётган сармоялар миқдори



Биз қачон ўзгарамиз?

41 «Китоб ўқиган билан нима ўзгарарди?» дейишингиз мумкин. Маънавий қашшоқ турмуш ўзгарарди. Кейинги қирқ йил ичида бирорта илмий кашфиёт қилдикми? Йўқ. Бирорта оламшумул илмий кашфиёт қилиб, олам аҳлини лол қилган юртдошимиз борми?

Бундан бир ярим аср муқаддам юртимиз мустамлакачилик сиртмоғига тушди. Нега? Чунки биз тўй-ҳашам, машаатга берилиб кетган эдик. Илм-фан қотиб қолган эди. Кашфиёт, маърифатдан йироқлашгандик. Душман курул кўтариб келганда биз уларга қарши паншаха кўтариб чиқдик. Улар битта замбарак билан юз кишини ер тишлатди. Биз паншахамизни кўтарганимиз орқага қочдик. Улар орқамиздан ўқ узиб, зўрлигини кўрсатди. Хўш, бугун-чи? Бугун улар балки курул кўтариб келмас. Аммо...

Базан туриб-туриб ҳайрон қолсан киши. Миттигина телефон 500 доллар. Ўзбекистонда ҳозир юз мингга «Айфон» телефон бор деб

ҳисобласак, 50 миллион доллар пулимиз хорижга кетган. Бу забт этишининг янгича йўли эмасми? Компьютерлар, уяли алоқалар хизматига тўланаётган пуллари айтмайсизми?! Олий ўқув юртига кириш учун битта ўринга ҳар йили ўн-ўн беш нафар талабгор жонини ҳорвучлаб туради. Аммо битта одам олий ўқув юртига киради. Бу узоқни кўра билмаслик эмасми? Ваҳоланки, дунёдаги энг катта бойлик – ақл-қу ахир! Агар биз болаларимизни ақли, заковатли, би-

Бундан бир ярим аср муқаддам юртимиз мустамлакачилик сиртмоғига тушди. Нега? Чунки биз тўй-ҳашам, машаатга берилиб кетган эдик. Илм-фан қотиб қолган эди. Кашфиёт, маърифатдан йироқлашгандик. Душман курул кўтариб келганда биз уларга қарши паншаха кўтариб чиқдик. Улар битта замбарак билан юз кишини ер тишлатди. Биз паншахамизни кўтарганимиз орқага қочдик. Улар орқамиздан ўқ узиб, зўрлигини кўрсатди. Хўш, бугун-чи? Бугун улар балки курул кўтариб келмас. Аммо...

лимли, иймон-этиқодли қилсак, уларнинг ўзи бизга пахта териш машиналари, компьютер, «айфон»ни ҳам ясаб бераймидими, бой-

бўлади?», дея савол беришингиз мумкин. Бу биз учун янгилик эмас. Бунда ота-болаларимиз тулган удум намуна бўлиши мумкин.

Муҳаддислар султони Имом Бухорий илм сирлари билан қизиқиб, дунё кезиб, олтимиз мингтадан зиёд ҳадис тўплаганида 16 ёшдан эндигина ошганди. У зотнинг 63 йиллик умри давомида амалга оширган ишлари бугун Ер юзиде мавжуд бўлган 63 та Фанлар Академияси қилган ишлардан кўпроқдир.

Фаробий жуда ёшлигиданоқ тил ўрганиш билан шуғулланиб, умри давомида 70 дан ортиқ тилда мулоқот қила олган. Беруний ўттизга яқин ажнабий тилни мукамал билган ва мулоқот қила олган. Абу Али ибн Сино етти ёшлигида Куръони Каримни ёд олиб, умри давомида юзга яқин маърифий китоблар битган. Амир Темур 15 га яқин хорижий тилни билган.

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, биз ҳам уларга муносиб авлод бўлайлик. Юртдошларим илм-у маърифатли халқ сифатида дунёни ўзига қаратсин. Ватанимизни илм-у фан энг ривожланган давлатлардан бири деб ардоқласин. Ва барча Ватанимизда Адолат, Хурият, Ҳақиқат борлигини кўрсин ва давлатимиз дунёдаги энг кудратли давлатлардан бири эканига тан берсин.



Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST»

масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдоларига «Турон банк» АТБ Чилонзор филиалининг 16.09.2019 йилдаги 06/03-3446-сонли буюртма-хатига асосан банк ҳисобидидаги, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонқўл» ҚФЙ, «Дўстлик» маҳалласи, Баҳор кўчаси 16-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 1643,0 кв.метр, қурилиш майдони 904,21 кв.метрдан иборат бўлган офис ва омборхона бинолари қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 649 480 000 (Олти юз қирқ тўққиз миллион тўрт юз саксон минг) сўм. Очик аукцион савдолари 2019 йил 23 октябрь кунини соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

2019 йил 23 октябрь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2019 йил 30 октябрь ва 6 ноябрь кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 23 октябрь кунинидаги савдо учун 22 октябрь кунини қадар, 2019 йил 30 октябрь кунинидаги савдо учун 29 октябрь кунини қадар, 2019 йил 6 ноябрь кунинидаги савдо учун 5 ноябрь кунини соат 10:00дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик)

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув

шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; – юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси қолибига 10 кунлик муддат ичиде олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИП: 304815549, МФО: 00452, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000900759233001.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан корхона вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион ташкилотчиси – «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. **Тел:** +998 99 862-16-71. **E-mail:** mkmfi@mail.ru

Лицензия № RR-0297

Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №583668 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTEXP» МЧЖ (СТИП: 305359030) тугатилади. Даво ва этирзорлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: +99871-267-53-16.

2-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2016 йилда Асатова Зийедахон Забиҳилло қизи номига берилган К №0276297 рақамли диплом ҳамда иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

41 Зоминдан гап очилса, ижодкорлар ёдига тоғлар орасига яшириниб олган «малика» Урикисой тушади. Кейинги ўн беш – йигирма йил ичида бу ерда бўлмаган шоир, ёзувчи ёки мусаввирни топиш қийин бўлса керак. Ёш ижодкорларнинг ҳар икки йилда ўтказиладиган ижодий семинари Урикисой бағрида ўтади. Икки кеча – уч кундуз бу ерда шёър қайнади, фикр жилоланади, маҳорат чарҳдан ўтади. Бу-гун адабиётимизнинг кенжа, умидли вақиллари даражасига кўтарилган кўплаб ёшларнинг қалами шу ерда тобланган, ижод йўллари Зоминнинг саховатли Қапчиғайдан бошланган десак, муболага бўлмайди.

Ян Парандовский «Сўз кимёси» асариде одамларда ёзувчилик майллари ва қобилияти, гарчи тўсатдан уйғониши ва қўтилмаган ҳодиса бўлиб туюлса-да, аслида бу икки томоннинг ичида узоқ йиллар давомида яшаш этилишини, вақти келганда булоқ каби қайнаб тошишни (Зоминдагидай тошдан-тошга урилиб яшашни) таъкидлар экан, шундай ёзади: «Шоирнинг шоирлиги қандай шароитларда воқе бўлганини хотирада қайта тиклаш камдан-кам одамга насиб этади. Ҳолбуки, ижодкорнинг туғилиши кишини лол қолдирувчи улғу ҳодисадир. Бу жуда қудратли, айниқса, шоирларда биринчи муҳаббатга ўхшаб кишини бутунлай чулғаб оладиган кечинмалар билан боғлиқ бўлади. Шоирлар эрта гулга қирадилар. Баъзан улар ўттиз ёшларигача айтадиган нарсаларининг ҳаммасини айтиб, берадиганларини бериб бўладилар...»

Ижодий уйғониш кимда ўн беш-йигирма ёшда, кимда етмиш-саксонни ортада қолдирган пайтда содир бўлиши ҳам табиий ҳол. Гап вақтда эмас, бўлажак шоир ёки ёзувчини, умуман, ижодкорни танлаган йўлидан, ниятидан қайтариб бўлмайдиган, орзу-ҳаваси, туйғуларини ўзгартиришининг иложи йўқ бу майдонга олиб келадиган, унга муттасил илҳом бахш этадиган, кучли ҳаяжон таъсирида кўзини кўр, қўлигини қар қиладиган кучнинг нималигини англашда! «Сўз кимёси»да ўқиймиз: «Одамлар ҳаётда мавжуд бўлган ҳар қандай ҳодисани сўзда ифодалашга эҳтиёж сезадилар ва бу билан боғлиқ равишда ўз-ўзларини намоён қилишга ҳам эҳтиёж пайдо бўлади. Бу ҳолат деярли физиологик эҳтиёж бўлиб, унинг заифлини ёхуд бутунлай йўқ бўлиб кетиши инсон табиатида зиддир».

Демак, ижодкорлик майли бошқалардан бироз бўлса-да, ажралиб туриш, эътибордан бўлиш, четда қолиб кетмаслик истаги билан боғлиқ, десак хато бўлмайди. Бу истакни қадрламоқ, бугун адабиётга шитоб билан кириб келаётган, ўз овози, қобилиятига манад-мас сўз айтётган, гоҳ тақлид кўчаларига бурилиб, маъзун сўқмоқларда адашиб, йўл қидираётган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқ зарур. Чақалокнинг тилга кириши, атак-чекач қилиши машаққатли жараён бўлгани каби, қўлига қалам тутган ёшларнинг бадиий талқин «тилни» бийронлашуви, услуби шаклланиши, қадами илдамлашиши ҳам бирданга ва осонликча юз бермайди. Адабиёт – катта боғ, унда узоқ йиллардан бери муттасил ҳосил бераётган салобатли дарахлар билан бирга, энди-энди гуллаётган қўчатлар, қаддини ростлаётган ниҳоллар ҳам бўлади. Яхши бобгон уларни меҳр билан парваришлайди, кекса дарахга ҳам, ёш қўчатларга ҳам кўз-қулоқ бўлиб туради. Чунки, ҳаётда бўлганидек, боғда ҳам табиий алмашинув ҳодисаси кўзга ташланади. Бу муҳим «занжир» узилмаслиги, аксинча, бири иккинчисини тўлдириб, бири

иккинчисига меҳр қўлини чўзиб туриши зарур.

Урикисой шундай фазилатга эга. Унинг бағрида, суви ва ҳавосида оналик ва оталик туйғуси бор десам, ишонаверинг. Бу ерда бўлганлар яхши билишади: шаҳар шовқини, битмас-туганмас муаммолари ортада қолиб, ўзини кўшдек енгил сезасиз, Оқтош сийҳатига бўлганидек, бу ерда ҳам нафас олишининг, шарқираб оқётган ирмоқчага мутаносиб қадам ташлашининг, хаёл суришининг ўзи даво. Тонгда кўёшнинг тоғлар чўққисига миниши, оқшом юлдузларининг шаҳар осмонидан кўра анча қўйилаб, ўзгача жилволаниши дил қўлфини очиб юборади, вужудингиз тетиклашади, илҳом оғушига фарқ бўласиз. Сатрлар қуюлиб,

жойларига сафар бу саховатли гўша ҳақидаги тасаввурларимизни бойитди, кўнгли яйради. Кўнглин яйраб, қаламинг сайраб турса бўлди, ижодкор учун бундан ортиқ ҳордиқ бўлмайди.

Янги сийҳаттоғ тоғлар орасида бунёд этилиб, ёмон кўзалардан асраш учун гулларга буркаб қўйилганга ўхшайди. Атрофига экилган анвойи гуллар, манзарали ноёб дарахлар, гоҳ паства шўнғийдиган, гоҳ тоғ чўққиси сари сабот билан юқорилайдиган шитобли йўлаклар, ёғочдан ўй-макорлик билан қурилган шийпонлар менга ҳаётнинг мураккаб йўллари-ю, гоҳ-гоҳ нафас ростлайдиган, босиб ўтилган йўللарга бир-бир назар ташлашга умр бекатларини эслатди.

Қанча замонлардан бери тоғ-у тош билан курашиб, сувга, тупроққа интилиб, гоҳ сў-

шига эришишдек буюк мақсад ётади. Касаба уюшмалари Федерацияси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари бу мақсадни амалга оширишда фаоллик қилмоқдалар. Касаба уюшмалари фаолиятида сувги меҳнатда қотган, умрини ҳалола-пок ўтказётган иззатли кишиларга алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўзга ташланмоқда. Бу – гоҳ муҳим ўзгариш. Чунки, дунёнинг бугунги қоришиқ қадриятлари шароитида бир кишининг ўз номига, оиласи, сулоласи шаънига доғ туширмаслиги, солиҳ фарзандларни тарбия қилиши, ўзидан яхши амаллар, садоқатли шогирдлар қолдириши тоғ-у тошда мевали дарахт парваришидек заҳматли иш. Шундай бўлса-да, имон-этиқодада мустаҳкам, юртсевар, ватансевар юртдошларимиз жуда кўп. Дам олиш чоғида Азмиқдин Садриддинов, Сайёра Султонова, Мавжуда Садриддинова, Ўтбосар Абдиев, Мемедкули Мустафоев, Иброҳим Расулов, Нусратилла Пардаев, Матарким Жуманиёзов каби эл-юртада хурмат-эътибор қозонган фахрийлар билан суҳбатлашар эканмиз, бунга қатъий ишонч ҳосил қилдик. Кексалари эъзозланган юртни Аллоҳ ҳам эъзозда кам қилмайди.

Янги сийҳаттоғ Навоий кон-металлургия комбинати ишчилари учун бунёд этилди. Бу тўғрида гап кетганда, кўз ўнгимизда кўнгли очик, кўп-миллиятли халқимиз, уфққа туташ чўллар, ноёб ерости бойликларини саховатли бағрига олган Зарафшон воҳаси гавдаланади. Бу ҳудуддаги ҳар бир обида, карвонсарой еки рабобат аждодлардан қолган муътабар ёдгорликлардир. Қизилқум чўлида катта майдонни эгаллаган қадимий тош ўрмон – она-табиатнинг бизгача етиб келган мўъжизаларидан бири бўлиб, минтақамизда ҳаёт пайдо бўлиши тарихининг жонсиз туйғуларидир. Қоратоғ бағридаги Сармишсой дараси қоятошларига ўйиб ишланган 5-6 минг йиллик тарихга эга расмлар ўзбекистон замини инсоният тарихининг муҳим бекиткиларидан бири бўлганини тасдиқлайди.

Ўйлаб кўрилса, бу ёруғ оламдаги жамки бойликлар: ноёб маъданли конлар, сув ва ҳаво, табиат манзаралари, тоғ-у тош, дарё ва кўллар инсон ва унинг зурриётлари фароғати учун яратилган. Улар нафақат бизнинг, келгуси авлодларнинг ҳам ризқ-насибиди. Токи шундай экан, уларни асраб-авайламоқ, тежамкорлик билан ишлатмоқ, эзгуликка, эл қорига яратмоқ, фаровонликка, тинчлик-тотувликка сарфламоқ зарур. Бугун мамлакатимиз айна шу йўлдан бормоқда. Ўзбекистон Қарамонни Абдулла Орипов «Мурунот» шеърисида:

«Кимнингдир томин ҳатто қоплади тилла ранги, Кимгадир теккан эди фақат унинг жананги», деб ёзган эди. Бугун бу илоҳий ризқ ўзимизники бўлди.

Дам олиш баҳона зарафшонлик коншунос, заршунослар билан танишдик, дилбар суҳбатлар курдик. Уларни тинглар экансиз, вилоятда амалга оширилаётган, бунёдкорлик ишлари қалбимизда ажиб бир масрурлик, шундай қуларга етказганига шукроналик пайдо қилади, маънан ва руҳан тетиклашади. Чунки миллий юксалиш сари қўяётган қадамларимизнинг бугунги босқичида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли лойиҳалар, мафтункор режалар, энг аввало, фарзандларимиз, эртанги кунимиз, келажатимиз учун қилинмоқда. Буни англаганимизда Навоийнинг «Ҳар не истарсан, ўзунгидин истаги» деган ўғити ёдга тушади. Бу улғу фикрга давлатимиз раҳбарининг ҳеч ким ташқаридан келиб, муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди, ҳаммасини ўзимиз, ўз кучимиз, ақл-идроқимиз, ғайрат-шижоатимиз билан қилишимиз керак, бу ишларимиздан элимиз рози бўлсин, деган сўзлари ҳамоҳангдир.

Ўрикисойга туташ жилғада қад ростлаган янги мухташам сийҳаттоғ халқимиз асрларга татигулик, асарларда тараннум этса арзигулик бундай бунёдкорлик ишларига қодирлиги ва шунга яраша эъзозга муносиблигидан далолатдир.



Кўҳна ва ҳамиша навқирон Хивада «Рақс сеҳри» халқор рақс фестивали ўтказилди.

Унга 20 га яқин хорижий давлатлардан 100 дан ортиқ меҳмон ташриф буюрди. Улар орасида машҳур раққос ва рақс гуруҳлари бор. Грузиянинг «Рустави», Тожикистоннинг «Зебо», Индонезиянинг «Nusantara», Ҳиндистоннинг «Kalakriti», Қозғисгоннинг «Номад» каби рақс жамоалари шулар жумласидандир.

– Бу йилги фестивалда хорижий давлатлардан ташриф буюрган рақс гуруҳларининг эканлиги биз учун яна бир имконият, – дейди «Нихол» давлат муқотиби соҳибаси, истеъдодли раққоса Дилноза Ортиқова. – Фестиваль доирасида ташкил этилган маҳорат дарсларида тажриба алмашидик, улардан рақс маданияти сирларини ўрганибгина қолмай, ўзимизнинг миллий рақс мактабимиз ҳақида ҳам муфассал маълумот бердик.

Уч кун давом этган тадбирларнинг биринчи кунинда миллий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ миллий либослар намойиш этилди.

Рақс усталари томонидан турли маҳорат дарслари, ижодий учрашувлар, фольклор гуруҳлар ва ансамбллар чиқишлари, анимацион шоулар, сахналаштирилган томошалар, кўйғирчоқ театрлари тақдироти, хунармандлар, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари, «Ўзбекистон миллий рақс санъати» фотокўргазмаси, миллий халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, қатнашчиларга миллий таомларимиз тортиқ қилинган, меҳмонлар Хоразми номларини ёпиш жараёнига гувоҳ бўлишган фестивалга янада фойз бағишлади.

– Фестивалда хорижлик олимлар, блогер ва танкили журналистлар ҳам қатнашди. Жумладан, британиялик журналист-блогер, халқор рақс ассоциацияси аъзоси Роза Веркоке, Италия давлат телевидениеси бош муҳаррири Консуэло Женнари, Ал Жазира телеканали бошловчиси Муҳаммад Сиафик Бин Азман, Франциянинг «Овернь вилояти» пресс-клуби ва журналистлар уюшмаси раҳбари Сониа Рейн ва бошқалар жараёнларни жаҳон ОАВларида тезкорлик билан еритиб боришди, – дейди Туризмни ривожлантириш департаменти Хоразми вилояти ҳудудий бўлими мутахассиси Райҳона Давлетова. – Бу эса жаҳон ақлининг она диёримиз, бетакрор санъатимиз, анъаналаримизга қизиқишини янада оширди.

Шунингдек, «Рақс санъатида миллий анъаналарнинг аҳамияти» мавзuida илмий-амалий анжуман, давра суҳбатлари, тақдиротлар, маҳорат дарслари ташкил этилиб, рақс санъатининг нуфузини янада ошириш юзасидан кўплаб қимматли фикрлар билдирилди. Меҳмонлар тарихий обидларини томоша қилиб, Ичан қалъада фольклор этнографик ансамблларининг ранг-баранг ижодиётидан баҳраманд бўлидилар.

Фестивалда фаол иштирок этган ёрқин истеъдод соҳибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Яқунда гала концерт уюштирилиб, дунёнинг бетакрор куйлари, рақслари ижро этилди.

Дилрабо КУРЯЗОВА, журналист

Қалб яйради, қалам сайради



сурон билан кела бошлади. Бу ердаги кўплаб сийҳаттоғ-у оромгоҳларга шундай таъриф берса бўлади. Улар сафига яқинда яна битта оромгоҳ қўшилиди.

Оромгоҳ дедим, аммо бу сўз қисқа вақт ичида қад ростлаган, халқ эрталаридаги мўъжизаларни эслатуви, аслида, улардан ҳам ўтувчи олти қаватли мухташам бинонининг мазмун-моҳиятини тўла очиб бера олмайди. Ҳа, у Навоий кон-металлургия комбинати томонидан қурилган оромгоҳ, шу билан бирга ижодгоҳ, илҳомгоҳ, кўнглигўҳ ҳамдир. Давлатимиз раҳбарининг таклифи

либ, гоҳ барг ёзиб яшаб келаётган икки ёндаги арча, зирк, туғдона, дўлана, қорағат ва бошқа ёввойи дарахларга эътибор бераман. Илдизлар қизғиш, бақувват. Санаторий атрофига экилган манзарали дарахларнинг ҳар бири инжиқ чакалоқдек, алоҳида парваришни талаб қилади. Уларни бу ерга – тошлар орасига кўниктириш учун ҳали кўп тер тўкиш керак. Тоғ, барриб тоғ-да, ҳар суқилган таёқ ўз ҳолича мева тугмайди, япроқ ёзмайди.

Ичкарида – муолажа хоналарида тиббиёт ходимлари бош врач Одиложон ака раҳбарлигида дам олувчиларнинг ҳар бирига алоҳида меҳр кўрсатишади, талаб-истакларига, айрим «маданий» инжиқликларига ҳам «хўп» дейишади. Кимнингдир кўнгли шаҳар ошонналаридеги таомларни тусаб қолади, таомномада «норин», «кабоб» сўзларини қидиришади, кимдир шу яқин-атрофда чўмилиш ҳаваси бор-йўқлигига, ижодкорлар туман марказидаги матбуот шохобчалари ишига қизиқди. Шундайликка шундайку-я, аммо дастурхонга тортишган парҳез таомларни бир бошдан паққос туширишади. Ҳамроҳларимдан бири «Эҳ, балчиқ бўлганида борми, оёғимнинг оғриғидан қутулардим», дейди. Тоғ гйехларидан тайёрланган чой устида машварат қизийди; бугунги Ўзбекистон, давлатимиз раҳбарининг янги инсонпарвар йўли, халқчил сиёсат, ислохотлар, уларнинг натижалари ҳусусида мароқли гурунг бошланади.

Юқорида мен ҳар бири алоҳида парварига муҳтож дарахларни эсладим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатда ҳар бир инсонга моддий ва маънавий жиҳатдан алоҳида ёндашиш, хоҳиш-истакларини ўрганиш ва инобатга олиш, ҳар бир киши ўзидан, ҳаётдан рози бўлиб яша-



Қорақалпоғистон Республикаси

Хўжайли шаҳри марказидаги кичик sanoat зонаси учун тўрт гектар ер майдони ажратилган бўлиб, бу ерда бир қанча тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётир. Хусусан, «Голден Прайд Ходжеили» масъулияти чекланган жамияти мебель, дераза ва дарвозалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

– Ишни аҳолига сервис хизматини кўрсатишдан бошлаган эдик, – дейди корхона раҳбари И.Исакбоев. – Сўнгра кичик sanoat зонасидан ажратилган майдонда ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 8 нафар одам доимий иш билан банд.

Тадбиркор йигит корхонани кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринларини очиб истаги билан қилади-югурмоқда.

Бу яхши, албатта. Лекин 77 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган

ган шаҳар марказида инсон саломатлиги учун хавф туғдирувчи ишлаб чиқариш объекти фаолият кўрсатаётгани қанчалик тўғри? Масалан, «Аббазбек строй» МЧЖга қарашли корхонада кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Давлат экологик экспертиза хулосасида ушбу жараёнда атроф-муҳитга углерод ва азот

саткичи 9969 тага кўлайган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки кир ювиш кукуни таркибидаги зарарли моддалар инсон организмида касаллик келтириб чиқаради. Агар корхонада каустик сода ишлаб чиқарилса, технологик жараёнда ртут катодини ишлатиш асноси инсон учун заҳарли бўлган ртут кўчмалари

Оғриқ тишлар...

асбест ғишт, лак-бўёқ ва бетон маҳсулотлари, кунгабоқар ёғи, пено-блок ишлаб чиқарувчи корхоналар кўнмин топан.

Ҳолбуки, қонунчилик бўйича инсон саломатлиги учун хавфли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар аҳоли яшайдиган пунктлардан кўзда тутилган даражада олис манзилларда фаолият юритиши шарт. Қолаверса, бундай корхоналарда технологик ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган заҳарли ва инсон соғлигига хавфли моддаларни атроф-муҳитга ташлашишни чеклаш учун махсус ушловчи ускуналар ҳам ўрнатилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, «кукуни тозалаб, тутуни жазолайдиган» корхоналарнинг шаҳар марказида ишлаб туриши қонунга зид. Бунга мутасаддилар қандай муносабат билдиради?

Ортиқбой МАМУТОВ, «ISHONCH»

Кукуни тозалайди, тутуни жазолайди

оксиди, азотдиоксиди каби газсимон ва қаттиқ зарарли моддалар ажралиб чиқаётгани аниқлангани ўз ифодасини топан. Хўжайли тумани санитария-эпидемиология станциясининг маълум қилишича, биргина ўтган йилда туман аҳолисининг нафас олиш тизими касалликлари кўр-

атмосферага тарқалиб, атроф-муҳитни янада йиғилантиради.

Хуллас, туман марказида ташкил этилган ушбу кичик sanoat зонасида совун ва суёқ совун, полипропилен ва поливинилхлорид трубалари, кир ювиш воситалари, прима вата, йодланган экстра тузи,

Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ақборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Хусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Хуқуқ ва халқор ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Shaq» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоиси келишидан нарҳда. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-34. Наманган – (+998-99) 889-98-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Тошкент – (+998-99) 889-90-25. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27. «Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов. Мусоҳҳиш: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдумаликов. ЎЗА ақуни – 21:20. Топширилди – 01:20. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюрогма Г – 917. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5